



ХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН
ИШБИЛАРМОНЛАР
ЎЗБЕКИСТОН
ЛИБЕРАЛ-
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ

Газета 2004 йил 1 январдан
чиққа бошлаган.
E-mail: xabot@Xlasr@yahoo.com
web sayt: www.2lasr.uz

TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 8 декабрь,
пайшанба
49-(421)-сон

2012 йил — МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ
19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!
Қадрли дўстлар!

Шу кунларда биз мамлакатимизнинг янги тарихидаги қутлуг сана — мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонунимиз — Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Авваламбор, мана шу муҳташам залда тўпланган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни ушбу улуг айём билан чин қалбимдан муборакбод этиш ва шу имкониятдан фойдаланиб, барчангизга самимий хурмат ва эҳтиромимни изхор этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Том маънодаги тарихий бу санани ҳар сафар байрам қилар эканмиз, Конституциямиз — Асосий Қонунимиз қабул қилиниши билан биз Ўзбекистон келажagini, янгитдан барпо этилаётган давлатимизнинг чуқур мазмуни, маъно ва моҳиятини, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва маънавий тараққиётнинг, юртимиз кийфасини, унинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузини тубдан ўзгартириб юборган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг пировард мақсадларини аниқ-равшан белгилаб олганимизни ҳақли равишда юксак баҳолаймиз.

Агарки мухтасар қилиб айтганимиз бўлса, Конституциямизнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган беқиёс аҳамияти ва тарихий ролини биринчи навбатда биз учун мутлақо янги бўлган миллий давлатчилик ва унинг ижтимоий-сиёсий тизимини яратиш, демократик тамойиллар асосига қурилган сиёсий ва иқтисодий тизимни

шакллантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни айнан Асосий Қонунимиз белгилаб берганида кўра-миз.

Иккинчидан. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Учинчидан. Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шарт бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди.

2-3 >>>

**БИЗ БУГУН
КАНДАЙ ОҒИР
ВА МУРАККАБ,
ТАҲЛИКАЛИ
БИР ЗАМОНДА
ЯШАЁТГАНИМИЗ,
ЎЙЛАЙМАНКИ,
ҲЕЧ КИМГА СИР
ЭМАС. ЛЕКИН,
БИЗ ТАНЛАГАН
ЙЎЛ ҚАНДАЙ
КИЙИН ВА
МАШАҚҚАТЛИ
БЎЛМАСИН,
МЕН ИШОНЧ
БИЛАН ТАҚРОР
АЙТАМАН —
БИЗ БУ ЙЎЛДАН
ҲЕЧ ҚАЧОН
ҚАЙТМАЙМИЗ
ВА ЎЗ МАҚСАД-
МУРОДИМИЗГА
АЛБАТТА
ЕТАМИЗ.**

Ислом КАРИМОВ.



Эркин ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий кафолати

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО АНЖУМАНЛАР САРОЙИДА 7 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУННИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИГИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади. Биз танлаган йўл — бугун халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг «ўзбек модели» ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришяётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаган ислохотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир. Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йигирми

ийлигини кенг нишонлади. Халқимиз истиклол йилларида эришяётган бетимсол ютуқларда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Бош қомусимиз ўзининг мазмун-моҳияти билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби юксак мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилинган эди. Бу

борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур дастур асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайитиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун мамлакатимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақо-

батбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2012 йилни мамлакатимизда «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 ДЕКАБРЬ КУНИ ОКСАРОЙДА БИР ГУРУХ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИНИ ТОПШИРДИ

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва

медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Конституциямиз байрами арафасида ўз фидокорона ва ибратли меҳнати билан давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган сиз, азизларни чин қалбимдан табриклаб, шу мукофотларни топшириш мен учун катта шарафдир, — деди Ислам Каримов. — Бугун сизларни самимий қутлар эканман, сизнинг тимсолингизда Ватанимизнинг тараққиёти ва равнақи, куч-

қудратини ошириш, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтириш, тинчлик-осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида, бир сўз билан айтганда, кўп қиррали ҳаётимизнинг турли тармоқларида ўзининг ҳалол ва самарали меҳнати билан ўрнатилган бўлиб келаётган, истеъдоди, илмий ва ижодий фаолияти билан мамлакатимизда ном қозongan, давлат мукофотлари билан тақдирланган барча ватандошларимизни ҳам ғойибона бағримга босиб муборакбод этгандай ўзимни ҳис қиламан.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТ

Президентимиз Ислам Каримов тақдимномасига асосан қабул қилинган амнистия тўғрисидаги акт яна бир қарра Ўзбекистонда оилаларни давлат томонидан ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг барқарорлиги ва осойишталигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир сиёсатнинг изчилигини намойиш қилди.

05 >

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 6 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1825,59
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2783,70
1 Дания кронаси	▲ 321,89
1 БАА дирҳами	▲ 485,68

1 АҚШ доллари	▲ 1783,85
1 Миср фунти	▲ 297,21
1 Исландия кронаси	▲ 15,01
1 Канада доллари	▲ 1754,38

1 Ҳитой юани	▲ 280,29
1 Малайзия ринггити	▲ 568,56
1 Польша злотийси	▲ 533,67
1 СДР	▲ 2783,41

1 Туркия лираси	▲ 977,72
1 Швейцария франки	▲ 1936,23
1 ЕВРО	▼ 2383,14
1 Жанубий Корея вон	▲ 15,78

1 Япония венаси	▼ 228,82
1 Россия рубли	▲ 57,90
1 Украина гривнаси	▲ 223,26

МАЪРУЗА

web sayti: www.21asr.uz

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Давом. Бошланғич 1-саҳифадан

Тўртинчидан. Конституциямиз хилма-хил фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий база яратди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмларини тасдиқлади, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги кафолатларини, ҳар қайси инсоннинг ҳоқимиятнинг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини мустаҳкамлади.

Бешинчидан. Миллий истиқлол гоёсини ва умум-башарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз миллий анъаналаримиз, она тилимиз, халқимизнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий меросини тиклашни таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Олтинчидан. Конституциямиз миллий, кўпукладли иқтисодийлик асосларини мустаҳкамлади, ўзини оқламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қайтиш билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини ўрнатди.

Еттинчидан. Асосий Қонунимиз миллий ҳафсизлик ва мудофаа органлари тизимининг шаклланиши ва самарали фаолият кўрсатиши, ўзининг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатини давлатимиз, халқимизнинг олий манфаатлари, эл-юртимизнинг фаровонлиги ва ҳафсизлигидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайдиган мамлакатимизнинг халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги мақомининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берди.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларининг изчиллиги ва боқимчилик-боқимчилиги, биз танлаган тараққиёт таркиб-и ёғли, биз учун номақбул бўлган, "шоқ терапияси" деб аталган ислохотларни асоссиз равишда тезлаштиришнинг турли шакллари билан воз кенганимиз, четдан қарз олиш сиёсатининг пухта ўйлангани ва эҳтиётлик билан амалга оширилгани, мамлакатимизнинг тарихий, миллий ва анъанавий ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олганимизни таъкидлаш муҳим, албатта.

Ўйламанки, орадан йиллар, неча ўн йиллар ўтади, лекин ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаг", "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон

ўқотмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан. Биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг хайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодийликимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатбардор маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва турар-жой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида кўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай беқиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидagi энг юқори кўрсаткичлардан бирига — 73 ёшга, аёлларимиз ўртача эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйламанки, ҳеч кимни, авваломбор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамадан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнгги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмагани бизнинг алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқларимиздан биридир.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонимиз, юртимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўлида биз қўлга киритган ва дунё тан олаётган мана шундай ютуқ ва марралар, ҳеч шубҳасиз, барчамизга, бутун халқимизга фахру гурури бағишлаши табиийдир.

Шу билан бирга, биз мамлакатимизда барқарор ривожланидиган эркин иқтисодийлик асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсоннинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда хурмат-эътибор қозонган жамиятнинг шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз зарур.

Шуни унутмаслигимиз лозимки, биз XXI асрда, ин-

теллектуал қадриятлар устувор бўлган асрда, глобаллашув жараёнлари шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган асрда яшамоқдамиз.

ити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яққаю ягона тўғри йўл деб қабул қилишимиз зарур.

гунги кунда мустақилликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиқлолимизнинг маъно-мазмунини сохталаштиришга қаратилган турли ҳаракат-

БУГУН ЗАМОННИНГ ЎЗИ, ЖАҲОН БОЗОРИДА РАҚОБАТ ҒОЯТ КЕСКИНЛАШИБ, АВЖИГА ЧИКАЁТГАНИ ВА ТОБОРА ШАҒҚАТСИЗ ТУС ОЛАЁТГАНИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНАДА КЕНГ ЎРИН ЭГАЛЛАШИ, БУ СОҲА УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТ, ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР ЯРАТИБ БЕРИШ ВА УНИНГ РИВОЖИНИ ЯНГИ БОСКИЧГА КЎТАРИШ МАСАЛАЛАРИ МУТЛАҚО БОШҚАЧА МАЪНО-МАЗМУН ТОПИШНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга махлиё бўлмадан, ҳаволалини ҳисобга олиб, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатимиз мубоффақият қозониши мумкин.

Ўйламанки, 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлисимиз — Парламентимиз томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдида қўётган юксак мақсадларга эришишининг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўрнидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутамиз. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислохотлар биринчи йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини биз албатта яхши англаймиз.

Бу дастур ўз маъно-мазмунини билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш — мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариши, халқимиз учун муносиб турмуш шаро-

Азиз ватандошлар!

Айни шундай буюк мақсадларни ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб вазифаси — Концепцияда ва уни амалга ошириш стратегиясида ўз ифодасини топган олижаноб мақсадлар барча-барча юртошларимиз учун ҳаёт мазмуни ва амалий интилишларга айланиб боришини истардим.

Соддарок қилиб айтганда, саховатли Ўзбекистон замининда яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваломбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртининг фаровонлиги ва тараққиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлаганимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки онги, тафаккури, эътиқоди — мустақкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни ча-длаптиб ҳам, қимлардир хоҳ-дган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Бу ҳақиқатни барчамиз, аввало, бугун ҳаётга кириб келаётган ёшларимиз яхши англаб олганига ишонаман.

Қолаверса, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, десак, асло муболага бўлмайди.

Албатта, бугунги кунда ушбу йўналишда давлат ва жамоат ташкилотлари, ноҳукумат тузилмалар томонидан, маърифат идоралари, мактабларимиз, мамлакатимизнинг барча таълим муассасалари тарафидан кўп ишлар қилинмоқда. Лекин шуни ҳам тан олиш керакки, бу ишларнинг миқёси, савияси, сифати ва энг асосийси, самарадорлиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони борки, унга алоҳида тўхталиб ўтиш ўрнили, деб биламан. Ҳеч кимга сир эмас, бу-

лар тобора ортиб бораётганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аввало, собиқ совет ҳудудидида эски мустақил тузумни кўрмаган, бу ҳақда етарли маълумотга эга бўлмаган ёшларга нисбатан турли сохта талқин ва уйдирмаларни ишлатиб, уларнинг онгида кеңгайиш совет даврини қўмсаш туйғуси ва кайфиятини уйғотишга қаратилган уринишлар намойён бўлмоқда.

Бундай ҳаракатларда совет империяси бўлиши собиқ Иттифоннинг пароканда бўлишини табиий қонуний ва мантқий ҳол деб баҳолаш керак. Бунинг сабабини авваломбор бу тизимнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий асосларининг — ноқобиллигида кўрмаслик ҳолатлари яққол кўзга ташланмоқда.

Шу борада яна бир масалага ургу беришимиз зарур.

Бугунги замоннинг талаблари, тараққиёт суръатларини янада тезлаштириш вазифалари, биринчи навбатда, ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини енгириш зарурати интеграциялашув жараёнларини янада кенгайтириш каби ўткир мазмунли кун тартибига қўяётганини биз яхши англаймиз. Яъни, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва боғжона тўсиқларини олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу муносабат билан бир муҳим нарсадан доим сезгир бўлишимиз даркор. Яъни, интеграциялашув жараёнларини кўзлаб, шу мақсадда турли давлатларо бирлашмалар вақти келганда тобора сиёсий тус олиб бориши ва бундай ҳолат бирлашма аъзоларининг бошқа хорижий мамлакатлар билан алоқалари ва ҳамкорлигига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодийлик ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга ошириш энг муҳим устувор йўналиш-

дир. Биз учун ғоят муҳим бўлган бу масалани ҳал этиш йўлида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган барча шерикларимиз билан, уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар, алоқаларимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш вазифаси айнан шу мақсадга бўйсундирилиши керак.

Бунинг учун биз бугун олиб бораётган, мамлакатимизда энг қулай инвестицион иқлимни ташкил қилишга, манфаатдор томонларга узоқ муддатли ва ишончли имтиёз ҳамда преференциялар беришга қаратилган сиёсатни давом эттиришга тайёрмиз. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун кимнингдир руҳсатини олиш эмас, аввало, Ўзбекистонимиз манфаатини кўзда тутишимиз талаб қилинади.

Азиз юртодошларим, юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, айтмоқчиман: тарихни асло орқага қайтариб бўлмайди. Бизнинг халқимиз, кейинги йилларда давомда вояга етган навқирон авлодига ҳозирги вақтда эртанги келажакимизга катта ишонч билан қарамоқда ва ўз танлаб олган йўлидан ҳеч қачон — мен тақдор айтаман — ҳеч қачон ортга қайтмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Бундан роппа-роса бир йил олдин Конституция кунига бағишланган мажлисда мамлакатимизда одатга айланган анъанани давом эттириб, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном беришга қарор қилган эдик.

Жорий йилга айнан шундай ном беришни маъқул топганимизнинг асосий сабаб ва омиллари ҳақида жамоатчилигимиз, халқимиз яхши хабардор.

Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, аввало, биз танлаган ва мақсад қилиб қўйган замонавий демократик давлат қуриш, халқимизнинг ҳаёт даражасини муносиб босқичга кўтариш, бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодийликга ўтиш учун хусусий мулк устуворлигини тан олиш ҳисобидан тараққиёт топётган мамлакатлар таърибасини инобатга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш — юқорида зикр этилган мақсадларга эришишнинг узвий бир қисmidир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад, принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилгани барчамизга маълум.

Бундай сиёсатни, чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган дастурларни амалга ошириш натижасида бу соҳа юртимизда нафақат қайтадан шаклланди, балки унинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибидида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда — шунга ургу бериб айтмоқчиман — иш билан банд

аҳолимизнинг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда дунё иқтисодиёти ва халқаро бозор талаблари тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани, уч йил олдин бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, кўзга кўринган кўпгина экспертларнинг прогнозлари бўйича яна давом этиши, янги тўфон ва зарбалар юз бериши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бундай синовларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янада катта эътибор бераётганимизнинг сабаби яққол аён бўлади.

Бунинг устига, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат ғоят кескинлашиб, авжига чиқётгани ва тобора шағқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференциялар яратиш бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолимизни иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кунимиз учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани тўғрисида гапириб ортиққа, деб ўйламан.

Айни шундай мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш ҳақида бош қотирар эканмиз, 2011 йилга "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном берганимиз нақадар долзарб эканини ва бу йўналиш яқин ва узоқ келажакимизда, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллашига амин бўлишимиз табиийдир.

Энди жорий йилда бу соҳада амалга оширган ишларимиз ҳақида қисқача гаплашиб олишни ўринли, деб биламан.

Ҳаммамиз тушунамизки, йил якуни билан бу йўналишда қабул қилган дастуримизнинг ижроси ҳақида, бу масалага дахлдор бўлган давлат идоралари, ижтимоий ва нодавлат ташкилотлар шу борада қандай ҳисса қўшганлари ва бу соҳада биз нималарга эришаётганимиз ҳақида атрофчила хулоса чиқариш вақти келади, албатта.

Мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг руҳсатиниз билан бу масаланинг фақат икки йўналишига эътибор қаратишни зарур, деб ҳисоблайман. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тараққиётини суръат ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар асосида берилган янги имтиёз ва преференциялар, қўлайликлар, бир сўз билан айтганда, бу йўналишни янги босқичга кўтариш бўйича қилинган амалий ишлар ҳақида ва бу тадбирлар туфайли эришган натижаларимиз тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Давоми 3-саҳифадан

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Давоми. Бошланиши 1-2-саҳифаларда ◀◀

Бу ҳақда гапирганда, аввало, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхати олигин пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик мuddати 2 йилдан 3 йилга узайтирилгани, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабелликни таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланганини қайд этиш лозим.

Шулар қаторида давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий эътиборимиз марказида бўлганини кўп мисолларда кўриш мумкин.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилгани, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидаларни янада соддалаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш керакки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу мuddат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Энг муҳими, тегишли ташкилотга бориб, эйжишма-эшиқ юришга бундай барҳам берилиб, “битта дарча” тамойили жорий этилгани кўпчилик тадбиркорлар учун айна мuddао бўлмоқда.

Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. Яна шунини қайд этиш лозимки, айна шу механизмни татбиқ этганимиз тубайли 13 миллиард сўмдан ортқ бюджет маблағини тежашга эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда хунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда, замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида санот маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларга тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисмидан кўпроги замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани айниқса эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида

ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Шу борада амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларида ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизга етиши кутилмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни авваломбор соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг ёрқин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўринининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, такрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлиши аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган бундай амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давомида эътиборимизга олиш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига қўшимча қилиш вақтида — шунга алоҳида эътибор беришимизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйламанки, кўп нарсани аңлатади.

Азиз юртдошлар!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваломбор, халқимиз учун муҳим ҳаёт барпо этиш, олдимида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам мустақам пойдеворида айланади, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратаётган, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айна шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйламанки, барчангиз бу фикрга қўшилиасиз.

Шу борада яна бир муҳим хулоса.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчига айланади бораётган, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкни ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш-

нинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама аңлаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинакам юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳамжихатликни сақлашга улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларга чин қалбимдан саясий ҳурматимни билдириш ва уларга янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Энди сизлар билан қилиб келаётган янги — 2012 йилга ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорга келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилга ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор аңлаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан зарур вазифалар кўплигини ҳаммамиз яхши тушунаемиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринга қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳеч кимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон вояга етиб, касб-хунарга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажагини аниқлаб, оила қуришни истайди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши аңлайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо нәмат бўлиши фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиغان демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустақамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичга кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, қилиб келаётган янги — 2012 йилга юртимизда “Мустақам оила йили” деб ном беришни таклиф этаман.

Янги йилга мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлиши оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳасамас. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустақам, жамият мустақам экан — мамлакат барқарор. Бунинг исботлаб, тасдиқлаб беришимиз ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилга “Мустақам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодав-



2012 ЙИЛГА «МУСТАҚАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДЕБ НОМ БЕРИШИМИЗ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ИДРОРАЛИНИ, НОДАВЛАТ ВА ИЖТМОИЙ ТАШКИЛОТЛАР, ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАЛАРИ БИЛАН БИРГАЛИҚДА ИШЛАБ ЧИКИЛИБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ДАСТУРДА АЙНИ ШУНДАЙ ЭЗГУ ТУШУНЧА, ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИМИЗ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПИШИ ЛОЗИМ.

БУ ҲАҚДА ГАПИРГАНДА, АВАЛО, МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИТДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН КОНУН, ҚОИДА ВА НОРМАЛАРДА БУГУНГИ ВА ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ТАЛАБЛАРИ АКС ЭТИШИ, АМАЛДАГИ КОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЗАРУР ЎЗГАРТИШ ВА КЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ, БУ МАСАЛАГА ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ КЎЗДА ТУТИЛАЁТГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ КЕРАК.

лат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айна шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича янги тизим қабул қилинадиган конун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги конун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

Иккинчидан, барчамиз яхши тушунаемиз, мустақам оила ва бахтли турмуш авваломбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фарзандларига, оила, жамият олдидидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур аңлаб етишига боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга қўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапирш мумкин. Шу билан бирга, ҳолисона тан олишимиз

даркор — ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давомида эътибори, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиқини қўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш биринчи навбатда давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчиликимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизга аён бўлиши даркор.

Учинчидан, “мустақам оила” деган гоянинг ҳаётимизда амалий ифодасини қўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозongan маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма хозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётининг турли тўфонларидан асраш, унинг мустақам оёққа туриб олиши учун ел-қаддош бўлиш, бу борада турмушнинг барчаси учун кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Ўйламанки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги кундалик ҳаётимиздаги моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада ошириш масалаларига алоҳида

аҳамият бериш ўринлидир. Тўртинчидан, оилани янада мустақамлаш ҳақида сўз юритар эканмиз, мен бу масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни қаратмоқчиман. Оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш — авваломбор, моддий, маънавий, бугун ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларни ечиш, оиланинг барча-барча ташвишларини осонлаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ эканини, ўйламанки, ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Айнан ана шундай масалаларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юқини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукрона қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила кўргонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл эътиборини, опа-сингилларимизнинг оғирини еңгил қилиш билан баробар эканини эсимиздан чиқармаслигимизни истардим. Ана шундай муҳим вазифаларни амалга ошириш учун дастурда аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилиши зарур.

Бешинчидан, биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиати-миз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай зарарли таъсирлар, бузғунчи гояларга қарши турмушда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустақам таянч деб билаемиз.

Шу борада ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишга, тараққий толган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўллашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз.

Шу маънода, оила институтининг таълим-тарбия соҳаси билан — бу болалар боғчаси ёки мактаб бўладими, лицей-коллежлар ёки олий ўқув юртлири бўладими — ана шундай муассасалар билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш вазифалари дастурда муҳим жой эгаллаши зарур.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Биз янги йилда ўз олдимизга мана шундай олижаноб мақсад ва вазифаларни қўяр эканмиз, бундай интилишларимизни амалга ошириш учун давлат ва ҳокимият идоралари, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз бир ёқадан бош чиқариб, фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Биз бугун қандай оғир ва мураккаб, таҳликали бир замонда яшаётганимиз, ўйламанки, ҳеч кимга сир эмас. Лекин, биз танлаган йўл қандай қийин ва машаққатли бўлмасин, мен ишонч билан такрор айтаман — биз бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз ва ўз мақсад-муродимизга албатта ета-миз.

Айна шу йўлда Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни ёмон кўзлардан асра-син, эзгу орзу-ниятларимизни рўёбга чиқаришда ўзи мададор бўлсин.

ЭЪТИРОФ

web sayti: www.24asr.uz

Бу юртда ҳалол меҳнат қадр топади

АНЪАНАГА КЎРА, БУ ЙИЛ ХАМ ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ АЙЁМ — МУСТАКИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФИДОЙИ, ИЗЛАНУВЧАН ВА ТАШАББУСКОР ҲАМЮРЛАРИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФАРМОНЛАРИГА МУВОФИҚ ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ, УНВОНЛАРИ, ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 19 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ АРАФАСИДА ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ, ВИЛОЯТЛАР ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИДА МАЗКУР МУКОФОТЛАР ЎЗ ЭҒАЛАРИГА ТАНТАНАЛИ ТАРЗДА ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодий тизимни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришадиган ютуқларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда хайратда қолдирмоқда. Иқтисодийнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни бошқариш ва илмий амалга ошириш тамойилларига асосланган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш барча соҳалардаги ютуқларимизда муҳим омил бўлмоқда.

Истиклол йилларида шахар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада чирой очмоқда. Миллий ва жаҳон меъморчилик анъаналарининг энг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттирган янгидан-янги иншоотлар, ижтимоий объектлар, санъат

ва маданият саройлари, илм-маърифат масканлари, кенг ва раво йўлу кўприклар барпо этишда ҳамюртларимиз фидойилик намунасини намойён этмоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан кўплаб янги ишлаб чиқариш қувватлари, қўшма корхоналар барпо этилди. Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида қад ростлаган «Маърифат маркази» мажмуи маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Халқаро симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жойлашган ушбу муҳташам бино истиклол йилларида эришган ютуқларимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятини ўзига хос тимсолига айланди.

Ўсиб келаётган авлодни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгини миллатимизга бегона ғоялар, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсиридан ҳимоялашда, ёшларни жис-

монан ва маънан баркамол шахс этиб вояга етказишда олимлар, устоз ва мураббийлар, шифокорлар, санъаткорлар, маданият ходимлари, маънавият тарғиботчилари, журналистларнинг хизмати, айниқса, каттадир. Уларнинг заҳматли меҳнати диёримизда ҳамisha ардоқланган, рағбат ва эътибор топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги байрами арасида бўлиб ўтган тантанали тадбирларда бир гуруҳ ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза, фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимлари ва давлат хизматчиларига Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент ша-

ридаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Иброҳимжон Имомжонов. — Бугун мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам муҳташам спорт саройлари, болалар спорт мактаблари қад ростламоқда. Уларга қатнайдиган ёш спортчилар, айниқса, қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши йўлидаги меҳр ва эътиборнинг амалдаги ифода-сидир.

— Мустақиллик туфайли биз, ижод аҳли ҳам янги имкониятларга эга бўлдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Эркин Комилов. — Президентимиз томонидан кўрсатилаётган бундай улкан эътибор ва рағбат санъаткорларимизни янада кўпроқ иزلанишга, замондошларимиз образи яратилган асарлар ёзишга, саҳнада ижро этишга ундайди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Давоми. Бошланчи 1-саҳифада

Бу мукофотларнинг сиз, азиз юртдошларимизга Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллик кутлуг тўйи кенг нишонланган йилда топшириладиганининг ўзи бугунги тантанамизнинг барчангиз учун унутилмас воқеага айлантиради.

Мамлакатимизнинг охириги йилларда юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан ўз олдидан турган эзгу мақсадларга етиш, яъни ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олиш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш бериш йўлида, инсон ҳаёти ва келажаги учун энг муҳим бўлган ижтимоий соҳаларда, хусусан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишларда кўлга киритаётган натижалари бошқалар учун модель, ўзбекона қилиб айтадиган, намуна сифатида тан олинган ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди.

Бундай эътироф миллати, тили, динидан қатъи назар, ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди деб биладиган ҳар бир кишига катта гуруҳ ва ифтихор бағишлайди, албатта. Бунинг замирида, бунинг негизидан аввало халқимизнинг мардлиги, қатъият ва шижоати, меҳнати ва матонати ётганини барчамиз чуқур англаймиш ва яхши тушунаимиз.

Шулар ҳақида сўз юритганда омилкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидойилиги, саноат корхоналари ва қурилиш майдонларида тер тўкиб ишлаётган ишчи-муҳандисларимиз-

нинг машаққатли меҳнати, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида фаолият кўрсатаётган юртдошларимизнинг сиздирилган қилган хизматлари, тинчлигимиз посбони бўлган жасур ҳарбийларимизнинг матонати учун ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Ислам Каримов давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Ҳар қандай мукофот аввалдан инсоннинг қадрини улуғлаш, унинг эл-юрт олдиданги муносиб хизматларини тақдирлаш мақсадидир. Тақдирлаш сўзининг негизидан аввало кадр деган маъно мужассам экани бежиз эмас, — деди Президентимиз Ислам Каримов. — Мен ҳозир сизларнинг юз-кўзингизга, чеҳрангизга боқиб, мустақиллигимизнинг энг улғу мақсади ҳам аслида инсон қадрини эъзозлаш, меҳнаткаш, олижаноб халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишдан иборат эканини ва бугун ана шундай ёруғ, эркин ва овоз ҳаёт кечириш барчамизга насиб этганини чексиз шукроналик ва мамнуният билан яна бир бор таъкидлашни истардим.

Менинг ниятим, менинг тилагим битта — кўксингизга ярашиб турган мана шу юксак унвон ва нишонлар ҳаммангизга буюрсин, ҳаёт йўлларида сизларга янги-янги куч-ғайрат бахш этсин.

Ўз меҳнати билан мана шундай кадр топшириш, эл-юрт ардоғида

ЎЗА

Биз танлаган йўл

Бундан 19 йил муқаддам ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ КАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЮРТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАҚЛАНТИРИШ, ИНСОН, УНИНГ МАНФААТЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ХИСОБЛАНГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИМИЗНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ



Нуриддин МУРОДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'зЛиДеП фракцияси аъзоси:

ни демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, сўз эркинлиги ва нодавлат нотижорат ташкилотлари мустақиллигини таъминлаш, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бозор иқтисодиётини либераллаштиришни назарда тутди. Мазкур ҳужжат, айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналишида олиб борилаётган ислохотларни бутунлай янги босқичга кўтарди.

Маълумки, Конституция-миз меъёрлари асосида Ўзбекистонда 2004 йилдан бошлаб икки палатали парламент тизимига ўтилгани Олий Мажлисининг профессионал даражада ривожланиши ва миллий қонунчиликнинг такомиллашувига олиб келди. Сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли сезиларли даражада ошди. Эътиборли жиҳати шундаки, юртимизда давлат бошқаруви соҳасини ислоҳ қилишда ҳам тадрижийлик тамойилга амал қилинди. Даставвал Конституциямиз орқали унинг ҳуқуқий асоси яратилди. Кейин эса давлат бошқаруви функциялари ҳокимиятлар тизимида мутаносиб равишда тақсимланди. Президент Концепцияси таллаблари асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»-ги қонун эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ушбу қонуннинг қабул

қилиниши Олий Мажлис палаталарининг назорат йўналишидаги ваколатларини кескин кучайтирди ва шу орқали парламент фаолиятини янги даражага олиб чиқди.

Мазкур қонунга мувофиқ, Конституциянинг 98-моддасига Бош вазир номзодини кўрсатиш ва тасдиқлашнинг янги, демократик принципларга жавоб берадиган тартиби белгиланди. Бундан кейин Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий бозорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Енгил автомобиллар учун махсус тўхташ майдони мавжуд. Мажмуада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда.

Мамлакатимизда бозорлар фаолиятини тубдан яхшилаш, уларда замонавий хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйиш, сотувчи ва харидорлар учун қўлайликлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Фарғона вилоятининг Кўкон ва Марғилон шаҳарлари, Риштон ва Кува туманларида янги бозорлар бунёд этилди.

Жорий йилда Кувасой шаҳри ва Бешарик туманларида янги савдо мажмуалари қурилиб, ишга туширилди. Фарғона туманининг Чимён қишлоғида барпо этилган мазкур савдо мажмуаси ана шу хайрли ишларнинг давомидир. — Мажмуамизнинг Конституция қуни арасида фойдаланишга топширилиши аҳолига ажойиб байрам туҳфаси бўлди, — дейди савдо мажмуаси раҳбари Баҳодир Аҳмаджонов. — Бу ерга келган киши кундалик эҳтиёжи учун зарур барча нарсаларни топади. Дўконларга пластик картчалар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун терминаллар ўрнатилган.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА

Янги савдо мажмуаси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қуни арасида Фарғона туманининг Чимён қишлоғида янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

«Фар ТИБ қурилиш» ва «Олтириқ инвест» масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан барпо этилган мазкур мажмуа 88 дўконни ўз ичига олади. Бу ерда сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Енгил автомобиллар учун махсус тўхташ майдони мавжуд. Мажмуада мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотилмоқда.

Мамлакатимизда бозорлар фаолиятини тубдан яхшилаш, уларда замонавий хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйиш, сотувчи ва харидорлар учун қўлайликлар яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда Фарғона вилоятининг Кўкон ва Марғилон шаҳарлари, Риштон ва Кува туманларида янги бозорлар бунёд этилди.

Жорий йилда Кувасой шаҳри ва Бешарик туманларида янги савдо мажмуалари қурилиб, ишга туширилди. Фарғона туманининг Чимён қишлоғида барпо этилган мазкур савдо мажмуаси ана шу хайрли ишларнинг давомидир. — Мажмуамизнинг Конституция қуни арасида фойдаланишга топширилиши аҳолига ажойиб байрам туҳфаси бўлди, — дейди савдо мажмуаси раҳбари Баҳодир Аҳмаджонов. — Бу ерга келган киши кундалик эҳтиёжи учун зарур барча нарсаларни топади. Дўконларга пластик картчалар орқали ҳисоб-китоб қилиш учун терминаллар ўрнатилган.

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шақлларидаги мулк тақсими таъди. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шақлларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси.

Конституция

— ривожланиш омили

— ЮРТИМИЗДА ГАРЧИ АЗАЛ-АЗАЛДАН ДЕХҚОНЧИЛИК АМАЛИЁТИ ҚАРОР ТОПГАН БЎЛСА-ДА, МУСТАКИЛЛИККА ЭРИШИЛГАНДАН КЕЙИНГИНА УШБУ СОҲАДА ЧИН МАЪНОДАГИ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИЛДИ, ТУБ ИСЛОХОТЛАР ОРҚАЛИ ФЕРМЕРЛИК ХАРАКАТИГА АСОС СОЛИНДИ



Сарсенбай СЕЙТНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Қорақалпоғистон Республикаси Тахтақўпир туманидаги «Тайимбет» фермер ҳўжалиги раҳбари:

Эркин бозор муносабатлари туфайли фермерлик ҳаракати қишлоқдаги чинакам етакчи кучга айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида «Мулкдор мулкига ўз хоҳишига эғалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт», дея белгилаб қўйилган. Бу сўзларда катта маъно бор. Зеро, далани ўз мулки, деб билган деҳқонгина кўнгилдагидек меҳр қўйиб ишлайди, ҳосил ва самара учун тўла масъулият сезади, тўқис ва фаровон ҳаёт учун астойдил жон қўйдиради.

Соҳаларда эришилаётган салмоқли ютуқларни таҳлил қилар эканмиз, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. Бош қомусимизнинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар давлат муҳофазасида эканлиги, бинобарин, улардан оқилона фойдала-

ниш лозимлиги ўқтирилади. Бу, шубҳасиз, жаҳон миқёсида оммалашиб бораётган барқарор тараққий тушунчасига тўла мосдир. Афсуски, экологиянинг бузилиши салбий оқибатларга олиб келаётганлиги ҳам сир эмас. Лоқайдлик оқибатида жойларда чуқук сув, энергия манбалари ва бошқа табиат бойликлари етишмай қоляпти. Узоққа бормасдан пахта монокультураси сабабли рўй берган Орол эқолақатини эслашнинг ўзи кифоя.

Бинобарин, табиат бойликларида оқилона фойдаланиш чораларини қўриш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенгрок фойдаланиш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш катта ҳаётий аҳамиятга эғадир. Асосий Қонун олдиданги муҳим фуқаролик бурчимиз ҳам шуни тақозо этади.

МУНОСАБАТ

web sayt: www.21asr.uz

Тараққиётимиз дастуриламали

6 ДЕКАБРЬ КУНИ O'ZLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИ ТАШАБУСИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАХРИДАГИ ТУРИНГ ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 19 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН «КОНСТИТУЦИЯ ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КАФОЛАТИДИР» МАВЗУИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ



Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, партия фаоллари ҳамда талабалар иштирок этган тадбирда Бош қомусимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Семинарда Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси М.Тешабоев сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини Конституциямиз, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётганига қаратди.

Бош қомусимиз фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, шахсий ҳуқуқлари билан боғлиқ барча йўналишларни ўзида акс эттиргани билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Унда, жумладан, электратимиз ҳисобланмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига алоқадор бўлган муносабатлар ҳам ўз ифодасини топиб, мамлакатимизда иқтисодий фаолият ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий замин яратиб бе-

рилган. Масалан, Конституциянинг 53-моддасида «Бош муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий-иқтисодий негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин» дейилган бўлса, 54-моддада мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва тасарруф этиши белгиланган. Шундай экан, Конституциямиз мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни муваффақиятли давом эттириш ва пировардида ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашмишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда, дейишга тўлиқ асосимиз бор.

Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз томонидан яратилган миллий ривожланиш моделимизнинг энг кучли жиҳатларидан бири — кўп

укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришда хусусий секторнинг улушини кескин ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка устувор аҳамият бериб келинаётганидир. Чунки кичик бизнес бозор иқтисодиётининг муҳим элементи бўлиб, рақобат муҳитини яратиш ҳисобига иқтисодий тармоқларнинг пропорционал ривожланишини юзага келтиради. Урта қатлам вакилларининг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши эса янги-янги кучларнинг мулкдорлар сафига қўшилишига кенг йўл очади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда «... кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда».

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси муваффақиятли давом эттириш ва пировардида ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашмишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда, дейишга тўлиқ асосимиз бор. Ҳақиқатан ҳам, Юртбошимиз томонидан яратилган миллий ривожланиш моделимизнинг энг кучли жиҳатларидан бири — кўп

келинаётгани барча жаҳада ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилишини таъминлади.

Ўтган йиллар мобайнида Бош қомусимизнинг устувор тамойиллари асосида жамиятни модернизациялаш, иқтисодий либераллаштириш, хусусий мулкни ривожлантиришга қаратилган бир қатор янги қонунлар ҳам қабул қилинди. Улар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда соҳа тараққиёти билан боғлиқ 450 га яқин меъёрий ҳужжатни кўрсатиб ўтиш мумкин. Белгиланган ҳуқуқий мезонлар асосида иқтисодийнинг асосий тармоқлари давлат тасарруфидан чиқарилиди ва тўлиқ хусусийлаштирилди.

Тадбирда сўз олганлар бугун амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли жамиятимизда янги — мулкдорлар қатлами пайдо бўлганига алоҳида ургиб бериб, мазкур мулк эгалари ўз конституциявий ҳуқуқлари асосида бугун эмин-эркин фаолият юритиб, жойларда янги иш ўринлари яратишда ташаббускор бўлаётгани, аҳолининг реал даромадлари ўсиб боришига ҳисса қўшаётганини таъкидладилар. Тадбирда Конституцияда белгиланган меъёрлар ва демократик принципларни ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш O'zLiDeP дастурий гоъяларига мослиги, партия ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини янада жонлантириши лозимлиги хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинарда, шунингдек, Бош қомусимизда белгиланган қоидаларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга партия нуқтаи назаридан муносабат билдирилди.

Семинарда, шунингдек, Бош қомусимизда белгиланган қоидаларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга партия нуқтаи назаридан муносабат билдирилди.

қилинаётгани барча жаҳада ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилишини таъминлади.

Ўтган йиллар мобайнида Бош қомусимизнинг устувор тамойиллари асосида жамиятни модернизациялаш, иқтисодий либераллаштириш, хусусий мулкни ривожлантиришга қаратилган бир қатор янги қонунлар ҳам қабул қилинди. Улар тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда соҳа тараққиёти билан боғлиқ 450 га яқин меъёрий ҳужжатни кўрсатиб ўтиш мумкин. Белгиланган ҳуқуқий мезонлар асосида иқтисодийнинг асосий тармоқлари давлат тасарруфидан чиқарилиди ва тўлиқ хусусийлаштирилди.

Тадбирда сўз олганлар бугун амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли жамиятимизда янги — мулкдорлар қатлами пайдо бўлганига алоҳида ургиб бериб, мазкур мулк эгалари ўз конституциявий ҳуқуқлари асосида бугун эмин-эркин фаолият юритиб, жойларда янги иш ўринлари яратишда ташаббускор бўлаётгани, аҳолининг реал даромадлари ўсиб боришига ҳисса қўшаётганини таъкидладилар.

Тадбирда Конституцияда белгиланган меъёрлар ва демократик принципларни ҳаётга татбиқ этиш, жумладан, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш O'zLiDeP дастурий гоъяларига мослиги, партия ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини янада жонлантириши лозимлиги хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинарда, шунингдек, Бош қомусимизда белгиланган қоидаларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга партия нуқтаи назаридан муносабат билдирилди.

Семинарда, шунингдек, Бош қомусимизда белгиланган қоидаларни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятимизда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга партия нуқтаи назаридан муносабат билдирилди.

«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси.

Қомусимиз — бахтимиз

«ҲАЁТДА ШУНДАЙ ВОКЕАЛАР БЎЛАДИКИ, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВАҚТ ЎТГАН САРИ ОРТИБ БОРАВЕРАДИ. КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ КАБУЛ ҚИЛИНИШИ, УНИНГ БАЙРАМ КУНИ ҲАМ АНА ШУНДАЙ ВОКЕАЛАР СИРАСИГА ҚИРАДИ ВА БУ МЎЪТАБАР ҚОМУС — АСОСИЙ ҚОНУН КАБУЛ ҚИЛИНГАН МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, БУТУН БИР ТАРИХИЙ ДАВРНИНГ ГУЛТОЖИ БЎЛИБ ҚОЛАЖАКИ»

Президентимизнинг ушбу сўзларини вақт ўтгани сайин айни ҳақиқат эканини янада чуқурроқ ҳис этаёلمиз. Чунки давлат ва халқнинг ҳуқуқ-мажбуриятлари ижтимоий адолат тамойилига мос равишда аниқ белгилаб қўйилган Конституциямиз эркин демократик жамиятни ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолати эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Шу вақтга қадар қабул қилинган қонунларнинг ушбу ҳужжатга мувофиқлиги эса уларда инсонпарварлик ва прогрессив тамойиллар ўз амалий ифодасини топишини таъминлаётди.

Бош қомусимизда, айниқса, келажакимиз эгалари бўлиши ёшларнинг ҳар томонлама тўқис, ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга

етишлари учун барча жиҳатлар инobatга олинган. Уларнинг ўқиши, меҳнат қилиши турли ёт таъсирлардан ҳимояланиши давлат томонидан кафолатланган. Бунинг ижобий натижаларини эса ҳар биримиз кўриб, сезиб турибмиз.

Спортнинг таъқвоondo тури бўйича жаҳон чемпиони Алевтина Ким ана шундай ёшлардан бири. «Шухрат» медали соҳибаси бўлган ушбу ёш спортчига тенгдошлари ҳавас қилади.

— Таъқвоondo бўйича жаҳон чемпиони бўлганимда чинакамимга Валлан туйғусининг улғулгини англаб етдим, — дейди Алевтина. — Байрогимиз кўтарилиб, Мадҳиямиз янграганида кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шу буюк юртининг фарзанди эканимдан гурурландим. Буларнинг



Алевтина КИМ
таъқвоondo бўйича жаҳон чемпиони

барчаси биз, ёшларнинг мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб замон талаблари даражасида таълим олишимиз, хоҳлаган мутахассислик ва касбни эгаллаб, эркин меҳнат қилишимиз учун етарли ҳуқуқий асослар яратилгани сабабидан, деб ўйлайман. Менга ҳам ёшлигимдан тўғри йўналиш берилгани туфайли ҳозир шундай бахтга муяссар бўлдим.

— Табиатнинг бир қонуни бор: сабабсиз оқибат бўлмайди, — дейди Феруза. — Бугун ёшларимиз, умуман, халқимиз эришаётган ютуқлар ҳам ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Биз яшаётган озод замон учун тамол тоши Юртбошимиз томонидан 20 йил аввал қўйилганди. Конституциямиз орқали мулкнинг дахлсизлиги кафолатланди. Ҳозир тадбиркорликка кенг йўл берилётгани, ёшларнинг ўз салоҳиятларини юзага чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилгани боис, мулкдорлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда.

Ўзимдан қиёс, банк-рот ҳолатига тушиб қолган «Аксикент» қўшма корхонасини хусусийлаштириб, тивуқчилик корхонасини очдим. Дастлабки йилиёқ 150

дан зиёд кийим-кечак ишлаб чиқардик. Аввалда 10 нафар чевар билан иш бошлаган бўлсак, ҳозир улар сони 150 нафардан ошади. Энг қувонарлиси, тивуқчиларимизнинг 80 фозидан кўпи тенгдошларимдир. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Биринчи йили 20 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ўтган йили 2 млрд. сўм кийиматдаги кийим-кечакларни хорижага экспорт қилдик. Соф фойдамиз 250 млн. сўмни ташкил этди. Шунинг ҳисобидан 6 гектар ерни ижарага олиб, 4 гектарига иссиқхона қурдик. Натижада яна 50 киши ишли бўлди.

Шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, Юртбошимиз раҳнамолигида биз, ёшларнинг



Феруза АБДУКАХҲОРОВА,
Тўрақўрғон туманидаги «Дилрабо СДА» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари

меҳнат ва интилишларимиз муносиб рағбатлантириб борилапти. Менинг ўзим 2004 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 2011 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини билан тақдирландим. Бундай эътибор мени янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Инсон қадри улуғланган юрт

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАҚДИМНОМАСИГА АСОСАН КАБУЛ ҚИЛИНГАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ АКТ ЯНА БИР ҚАРРА ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАЛАРНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТМОИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА ДОИР СИЁСАТНИНГ ИЗЧИЛЛИГИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИ



Тўлкин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида амалга оширилган барча ислохотлар фақат бир мақсадга — инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани юртимиз аҳолисининг бугунги тинч ва фаровон турмуш кечиришини таъминламоқда.

Бунда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги,

шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият экани белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бош қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилган ушбу қоидалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси асосида илгари сурилган кучли ижтимоий сиёсат юргизиш тамойили билан узвийлик касб этиши эса мамлакатимизни юксак демократик давлатлар қаторидан жой олишини таъминлашга хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани ана шундай муваффақиятларимизнинг гарови бўлмоқда.

Жумладан, ўтган йиллар мобайнида суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, судлар мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги

орган эмас, балки инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга асосий эътибор қаратилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш ҳамда инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш ўтган йилги йиллик тараққиётимизнинг энг муҳим йўналишига айланди. Натижада суд-ҳуқуқ тизими янада либераллаштирилди. Ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида «Судлар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди. 2008 йилдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши эса юртимизда демократиянинг умуминсоний тамойилларига амал қилишининг энг ёрқин кўриниши бўлди.

Кўни кеча Олий Мажлис Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорнинг эълон қилинишини ҳам мамлакатимизда «инсон ва унинг шаъни — олий қадрият» миллий тамойилининг ижтимоий ҳаётимиздаги амалий ифодаси бўлди, дейиш мумкин. Негаки Президентимиз Ислам Каримовнинг тақдимномасига асосан қабул қилинган ушбу актда ўзбек миллатига хос жувонмардлик, инсонпарварлик ва кечиримлилик гоъялари акс этган. Жумладан, унга кўра, маҳкум аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ва 60 ёшдан ошган эркакларнинг жазодан бутунлай озод этилиши қайсидир маънода мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ оила муқаддаслиги, она ва бола саломатлигини асраш, аёллар, ёшлар ва қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчиллик билан давом эттирилаётганини кўрсатади.

Бош қомусимизнинг устувор меъёрларига асосан оила — жамиятимизнинг асосий бўғини

ҳисобланади. Унда аёлнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Миллий менталитетимизга кўра, аёл деганда, энг аввало, муштирап оналаримиз кўз олдимизда гавдаланади. Шу боисдан деярли ҳар йили эълон қилинадиган амнистия тўғрисидаги қарорларда аёллар ва ёшлар манфаатига бирламчи аҳамият берилди. Чунки оилада аёл фарзандлар тарбиясига маъсул бўлса, ёшлар келажак бунёдкорлари сифатида давлатнинг эртанги тараққиётидаги ҳал қилувчи куч саналади.

Хулоса қилиб айтганда, умумэтироф этилган ҳуқуқ нормаларига тўлиқ жавоб берадиган амнистия тўғрисидаги актнинг амалда қўлланиши оилаларни давлат томонидан ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг барқарорлиги ва осойишталигини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир.

Мувофиқлаштириш комиссияси йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аxbорот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектрини самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Танловга Самарқанд шаҳридан жами 3 радиочастота бўйича тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва голлибар аниқланди. Комиссия томонидан теледастурилар тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

web sayt: www.21asr.uz

Депутатлик гуруҳи қарори:

Назорат-таҳлил яқунлари Жўқорғи Кенгесга киритилсин

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИДАГИ О'ZLIDER ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲИ ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ўТҚАЗИЛГАН ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИ ЯҚУНЛАРИНИ МУҲОКАМА КИЛДИ

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

Мажлисда таъкидланганидек, бугун Қорақалпоғистондаги 21669 та тадбиркорлик субъекти фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг ассосиз аралашувини олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат рўйхатидан ўтганига ҳали 3 йил тўлмаган 5 та, солиқ тўловларини кечиктираётган 622 та бино ва иншоотнинг 546 таси тадбиркорларга ижарага берилгани натижа-сида 651 та янги иш ўрни яратилгани кичик бизнеснинг бандлигини таъминлаш ҳамда аҳоли даромадларини оширишдаги ролини кўрсатиб турибди. Республиканинг ҳудудий ялпи маҳсулоти таркибиде хусусий секторнинг улуши 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга ошгани ҳам бежиз эмас.

Шу ўринда хусусий сектор вакилларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 19 миллиард 166 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Соҳа мутахассисларининг фикрича, ўрта қатламни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган банк кредитлари йил бошидан буюн 134 миллиард 282 миллион сўмни ташкил этмоқда. Эътиборлики, ҳудудий инвестиция дастури доирасида шу йилнинг январь-сентябрь ойларида санаот соҳасида 242 та кичик корхонани ишга тушириш учун жами 8 миллиард 539,3 миллион сўм маблағ сарфланган.

Жўқорғи Кенгесдаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Ботир Мирзаевнинг фикрича, амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим ҳолатлар ҳам учрамоқда. Республика Ҳўжалик суди томонидан Нукус шаҳри, Ҳўжайли, Беруний, Амурдур, Қораўзақ, Тахтақўпир туманлари ҳокимларининг тадбиркорлар манфаатида зид келади қарорлари бекор қилинган бунга ми-

сол бўлиши мумкин. Эътибор беринг: бўш турган иморатларни тадбиркорлик субъектларига ноль қийматда тақдим этиш ва уларга хар томонлама қўмаклашиш борасида маҳаллий ҳокимликларга аниқ кўрсатмалар берилган бўлса-да, ҳалигача республика бўйича жами 96 та объект бўш тургани ҳам мутасаддиларда интилиш ва ташаббускорлик этишмаётганини кўрсатмоқда.

Музокараларда сўзга чиққан — Тўрткул туманидаги «Динур агро» қўшма корхонаси таъсисчиси Даврон Қўчқоров, Тахиятош туманидаги «Мак Жанет Нурбиби» хусусий фирмаси раҳбари Гўзал Нуржанова жойларда фаолият кўрсатаётган ахборот-консалтинг марказлари ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганини таъкидладилар. Уларнинг айтишича, тадбиркорлик субъектлари учун ташкил этилаётган ўқув-семинарлар аксарият ҳолларда номигагина ўтказилмоқда, ҳолос. Натижада қабул қилинаётган янги қонунлар, фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини чекка ҳудудлардаги ишбилармон доира вакилларига етказишда қийинчиликлар пайдо бўлмоқда.

Кун тартибидеги иккинчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири Баҳром Гулимовнинг ҳисоботи эшитилди.

Маълумки, бутун дунёда истеъмол моллари нархи тобора ошиб бораётгани озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, зарур чоралар қўришни тақозо этмоқда. Аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда эса тадбиркор ва фермерларга яратилган шароит, қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида бажарилиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Йилги кун тартибига қўйилган масалага, энг аввало, ана шу нуктага назардан ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари Пўлат Реймов, Гулжан Холмуратова, Барнохон Абдуллаева таъкидлаганидек, Юртбоши-

мизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар депутатлик назоратини янада кучайтириш, ижро ҳокимияти органларининг амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари, фармон ва қарорларни сўзсиз бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини берди. Жойларда тегишли раҳбарларнинг мундариб масалалар юзасидан ахборотлари тингланиб, мавжуд муаммо ва камчиликларнинг ечими изланаётгани ҳам Концепция талаблари амалда қўлланилаётганидан далолатдир.

Б.Гулимовнинг ҳисоботидан маълум бўлишича, республикада мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари еклидиган ер майдонларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2008 йил 8,2 минг гектарда сабзавот, 6,4 минг гектарда полиз, 3,2 минг гектарда мева етиштирилган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 9,1 минг, 6,9 минг ва 5,2 минг гектарга етиштирилган бўлди. Картошка еклидиган ер майдонлари эса икки баробарга ошган.

Маълумки, Қорақалпоғистон шароитида чорвачилик, паррандачилик ва балчиликни ривожлантириш имкониятлари анча юқори. Жорий йилнинг ўтган даврида бу ерда 65 минг тонна гўшт, 198 минг тонна сўт ва 75 миллион донадан зиёд тухум етиштирилгани ҳам ана шу имкониятдан оқилона фойдаланилаётганини кўрсатади. Зеро, бу рақамларни 2008 йилнинг мос даврига қиёслаганимизда, сезиларли ўзгаришларга эришилгани маълум бўлди: гўшт 14,5 минг тоннага, сўт 39,3 минг тоннага, тухум эса 36,3 миллион донага кўпайган.

Деҳқон ва фермерларнинг пешона тери эвазига етиштирилган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш уларнинг даромадини ошириш билан бирга қўллаб-қувватлаш учун ўзининг яратиб бериши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам ҳудудда МЧЖ шаклидаги бизнес субъектларини ташкил этиш масаласи мутасаддилардиққат марказида турибди. 2011 йилнинг январь-сентябрь ойларида 9 та гўшт, сўт ва мева-сабзавотларни

қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар очилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бу лойиҳалар учун жами 6313,0 миллион сўм маблағ сарфланиб, 176 та янги иш ўрни яратилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг санаот салоҳиятини ошириш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳудудий дастур доирасида тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 203 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Дастурга мувофиқ, шу йилнинг тўққиз ойида мазкур лойиҳаларнинг 65 таси ҳаётга татбиқ этилиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 33 та кичик корхона, 15 та иссиқхона ва 17 та паррандачилик ҳўжалиги ташкил этилди. Энг муҳими, умумий қиймати 15719,1 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши туфайли яна 503 та янги иш жойи очилди.

О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг фикрича, Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини сўзсиз бажариш борасида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бирга ҳали ечимни қутаётган муаммолар, баъзи туман ҳокимликлари, идора ва ташкилотлар фаолиятида камчилик-нуқсонлар ҳам мавжуд. Жумладан, ишчи гуруҳи томонидан кун тартибидеги масала жойига чиқиб ўрганилганида, қарорда белгилаб берилган 3 та гўштни, 2 сутни қайта ишлаш корхонасини фойдаланишга топшириш жараёни пайсалда солинаётгани маълум бўлди. Ишга туширилганларида ҳам самарадорлиқни ошириш борасида долзарб вазифалар мавжуд. Баъзи туманларда қайта ишланган гўшт ва сўт маҳсулотларининг салмоқли қисми бошқа ҳудудлардан олиб келинаётгани ҳам ана шу жиҳатларга келиб тақалади.

Қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоб тарзида муҳокама қилинган ҳар икки масаланинг О'zLiDeP электорати учун нақадар долзарблигини инобатга олган ҳолда, уларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ҳақида депутатлик гуруҳининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

ташаббуси билан Шаҳрисабз туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати шундай номланди. Унда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда улар ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи, уларни зарарли иллатлар таъсирига тушиб қолишларини олдини олиш муҳим масалалардан экани алоҳида таъкидланди. Булар орасида энг хавфлиси диний экстремизмдир. Бу муаммо ҳақли равишда дунё ҳамжамиятини жиддий таъвишга солаётган, ер юзиде тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка таҳдид қилаётган иллатдир. Тадбирда сўз олганлар ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритиб, ёшларни оғоҳлик ва ҳўшёрликка давъат этувчи турли тадбирлар ўтказиш уларни Ватанга садоқат руҳида қамол топишида муҳим аҳамият касб этаётганлиги таъкидланди.



«Аёллар қаноти» депутатларни фаолликка ундамоқда. Бироқ ...

О'ZLIDER ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «ХУНАРМАНД АЁЛ» АССОЦИАЦИЯСИ, «ИСТИҚБОЛЛИ АВЛОД», «ҚАЛБ НУРИ» ННТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА 128 НАФАР ХОТИН-КИЗНИ БЕПУЛ ўқитди

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий жараёнларга кенг жалб қилиш борасида «Аёллар қаноти» Жиззах вилоятида ҳам изчил ишларни амалга оширмоқда. Айни пайтда вилоятдаги опа-сингилларимизнинг қарийб 3 минг нафари О'zLiDeP аъзоларидир.

— Партия фаолларининг кўпчилиги олий маълумотли кишилар бўлиб, аъзоларнинг 310 нафарини тадбиркор ва фермерлар ташкил этади — дейди О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Наргиза Мавлонова. — 2011 йилнинг ўтган даврида хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган 60 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Уларда асосий эътибор қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятига қаратилди. Хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ЁИХ ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги сай-ҳаракатларимиз эса ижтимоий шерикчилик йўналишидаги фаолиятимизни жонлантириш билан бирга барча ёшдаги хотин-қизлар

билан яқиндан алоқа ўрнатишда ҳам қўл келаяпти. Масалан, «Хунарманд аёл» ассоциацияси, «Истиқболли авлод», «Қалб нури» ННТлари билан ҳамкорликдаги «Оилавий бизнесни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 128 нафар хотин-қиз тикиш-бичиш, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш ва компьютер курсларида бепул ўқитилди. Флористлар ассоциацияси билан биргаликда 32 нафар аёлни уй меҳнатига жалб қилдик. «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда одам савдоси, ичкилик-бозорлик ва бошқа салбий иллатларга қарши тарғибот-таъвиқот ишларини йўлга қўйганимиз ҳам яхши самара бермоқда.

— Бошланғич партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгашлардаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликдаги ишлардан кўнглингиз тўлаётими? — Маълумки, ҳар кандай сиёсий куч ўз фаолиятини бошланғич ташкилотларга таянган ҳолда олиб боради. Шу нуктага назардан биз ҳам мавжуд 85 та БПТ билан яқин алоқада фаолият олиб бораёلمиз. Айниқса, маҳалла ва қишлоқ фуқаролик йиғинлари қошидаги БПТлар гоё ва тақлифларимизни уй бекаларига етказишда фаоллик кўрсатаёпти. Ушбу жараёнларни янада

жонлантириш учун бошланғич ташкилот етакчилари ва фаолларига маънавий-маърифий ишларни кучайтиришда амалий ёрдам зарурлиги сезилиб қолди. Шу боис жойларда ўтказилаётган тадбирларга 141 нафар маҳаллий кенгашлар депутатларини ҳам кенг жалб этишга ҳаракат қилаёلمиз. Аслида тарғибот тадбирларида фаол иштирок этиб, жамиятда кечаётган янгиликларни сайловчиларга етказиш, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш депутатнинг электорат олдидаги бевосита бурчидир. Аммо, афсуски, халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши сессияларида О'zLiDeP депутатлик гуруҳи ташаббуси билан бор-йўғи битта масала — ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят бўлими раҳбарининг ҳисоботи эшитилди, ҳолос. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ депутатларимизнинг нафақат аёллар масаласи, балки партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ҳам суст-қашликка йўл қўяётганларини кўрсатиб турибди.

Демак, фаолиятимизни янада кучайтиришимиз зарур. Акс ҳолда, сайловчилар ишончини йўқотиш мумкин.

ҚОНУНИ БИЛГАН МУАММОГА ДУЧ КЕЛМАЙДИ

О'zLiDeP Учтепа туман кенгаши ҳамда Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбатида тадбиркорлик фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари атрофлича таҳлил этилди.

Тадбир иштирокчилари соҳага инвестициялар киритиш, валюта маблағларини конвертациялаш, экспорт-импорт операциялари, кредит олиш ва қоплаш, тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва мулкчилик шакллари йўзгартиришда пайдо бўлаётган муаммолар юзасидан фикр алмашишлар. — Мамлакатимизда эркин фаолият юритишимиз учун барча имкониятлар яратиб берилган. Аммо ҳаммамиз ҳам улардан фойдаланаётганимиз йўқ. Чунки етарлича ҳуқуқий-иқтисодий малакага эга эмасмиз, — деди давра суҳбатида сўз олган хусусий тадбиркор Дилбар Қўзйобеова. — Айримлар бирор сунъий тўсиққа дуч келганда, қайси идорага мурожаат этишни ҳам билишмайди. Бугунгидек давра суҳбатлари тез-тез ўтказилиб, уларга янада кенгроқ аудитория жалб этилса, айни муддао бўларди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ.

Зўлон
Чилонзор тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан Чилонзор тумани мактаб ошоналарида соғлом овқатланишни ташкил қилиш мақсадида 2012 йилнинг 9 январиде тендер ўтказилди.
Манзил: Чилонзор тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими биноси.
Мурожаат учун телефон: 277-97-64

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ва «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти мазкур газета Бош муҳаррири Мироди Абдурахмоновга падарли бузруквор
АБДУЛЛА ОТАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



СИРДАРЁ. О'zLiDeP вилоят кенгашидаги «Ёшлар қаноти» томонидан Янгийер шаҳар академик лицейида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишлаб «Конституция — миллатимиз гуруҳи» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этган тадбирда Конституцияимизда — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқро ва миллатлараро дўстлик, мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон, унинг

ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрат экани мустаҳкамлаб қўйилгани таъкидланди. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари таъминланаётганида ўз ифодасини топаётгани эътироф этилди.

Давра суҳбатида ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, талабаларнинг ҳуқуқий онг ва билимларини юксалтириш, уларнинг Конституциявий ҳуқуқий дунёқарашини кенгайтириш, либерал-демократик ғояларни кенгроқ тарғиб этиш борасида ўзаро фикр алмашишди.

Унда хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш, қасаначилик, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармон аёллар учун имтиёзли кредитлар ажратиш масалалари эътибор қаратилди. Тадбир давомида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятига оид маърузалар ҳам тингланди.

ҚАШҚАДАРЁ. Огоҳлик ва ҳўшёрлик — давр талаби. О'zLiDeP вилоят кенгаши

«НАВОИЙАЗОТ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
19 йиллиги билан барча
ватандошларимизни
қизғин муборакбод этади.
Жаннатмакон ўлкамизнинг
бугунги осуда ҳаётига
асло кўз тегмасин.
Оилаларингизни
шоду хуррамлик,
яхши кайфият ҳеч қачон
тарк этмасин!



ҚУТЛОВ

web sayti: www.21asr.uz

«ШҲҮРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

азиз ватандошларимизни
Ўзбекистон Республикаси

КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 19 ЙИЛЛИГИ

билан самимий қутлайди.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ,

тинчлик-хотиржамлик,

тўкин-сочинлик ва

меҳнатда улкан зафарлар

ёр бўлишига тилакдошимиз.

Жаҳон саҳнида ўз сўзига,

ўз нуфузига эга Ўзбекистонимиз

осмони узра бахт ва омад куёши

мангу нур сочаверсин!





Молиявий барқарорлик йўлида

ИСТИКЛОЛИМИЗНИНГ ЎТГАН ҚИСКА ТАРИХИЙ ДАВРИ МОБАЙНИДА МАМЛАКАТИМИЗ ХАЁТИНИНГ БАРЧА ЖАБХАЛАРИДА ТУБ ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ. АЙНИКСА, ИҚТИСОДИЁТДА УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИЛДИ. БУНДА ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН МИНГЛАБ ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ХАМ МУНОСИБ ХИССАСИ БОР, АЛБАТТА



Азамат ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Марказий
банки департаменти
директори ўринбосари

ликаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Савдо-санот палатаси, Хотин-қизлар кўмитаси, сиёсий партиялар ҳамкорлигида жойларда юзма-юз мулоқотлар, ўқув-семинарлар ўтказиб келинаёпти.

Кредит олиш тартиблари, Президент фармонлари асосида яратилган имтиёзлар бўйича қўшимча маълумот ҳамда маслаҳат олиш учун бевосита департаментимиз, унинг ҳудудий бўлиmlарида "Ишонч телефон"лари ташкил этилиб, уларга малакали мутахассислар бириктириб қўйилган. "Ишонч телефон"лари рақамлари доимий равишда оммавий ахборот воситалари, интернет сайтлари орқали кенг омма эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шу ўринда Марказий банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, жумладан, микрокредитлар ажратиш механизми тақомиллаштирилгани ва янада соддалаштирилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, кредит ажратишда ўша маблағнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминоти расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаражатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи таъминландики, бу тижорат банклари имкониятларини янада кенгайтиради.

Умуман, кейинги йилларда банк тизимида амалга оширилган бу каби чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитларнинг ҳажми муттасил кўпайиб бормоқда. 2001-2010 йиллар мобайнида соҳага йўналтирилган сармоялар жами 8 трлн. 725 млрд. сўмдан ошиб кетди. Биргина жорий йилнинг ўн бир ойи давомида ўрта синфни қўллаб-қувватлаш учун 3 трлн. 748 млрд. сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. Шундан 709 млрд. сўми микрокредитлардир.

Ушбу жараёнда янги қувватларни фойдаланишга топшириш, мавжудларини техник жиҳатдан модернизациялаш билан боғлиқ лойиҳаларни ўз вақтида амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига киритилган истиқболли режалар ижроси қатъий назоратга олинган.

Таъкидлаш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада қўлайликлар яратиш мақсадида Республика Марказий банки раҳбариятининг ташаббуси билан тижорат банкларининг барча филиалларида "Тадбиркорлар хонаси" ташкил этилиб, малакали мутахассислар томонидан банк хизматлари кўрсатиш, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур маслаҳатлар берилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини қўшимча рағбатлантиришга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганлигини ҳам ало-

ҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, "Энг яхши бизнес-режа", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши хизмат кўрсатиш", "Қишлоқдаги энг яхши бизнес лойиҳа" каби номинациялар бўйича танловлар уюштирилиб, голибларга имтиёзли кредитлар ажратиш келинаёпти. Бундай тадбирларни ташкил этишдан асосий мақсад банк хизматларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, ажратилаётган кредитлар ҳажмини кўпайтириш орқали кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда туганган ўрнини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Шу ўринда Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида алоҳида таъкидлаш жоиздир. Ушбу фармонда мамлакатимиз тадбиркорлари учун кенг имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, илгари давлат рўйхатидан ўтган давлат сўнг тижорат банкларида ҳисоб рақами очиб ўзунг кам иш ҳақининг маълум миқдорда тўлов тўлашга тўғри келарди. 2011 йил 1 сентябрда бошлаб юқоридеги қоида бекор қилинди. Шунингдек, тижорат банкларидан кредит олиш илгари ўн банк иш кўнида кўриб чиқилган бўлса, эндиликда ушбу мўлдат ўн банк иш кун этиб белгиланган.

Савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар ва хизматлар учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминаллари чеклари бухгалтерлик бирламчи ҳужжатларига тенглаштирилди.

Қолаверса, маъзур фармон билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқи берилди. Энг асосийси, ана шу фармон асосида Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича кафолатлаш фонднинг ташкил этилиши белгиланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида тижорат банклари томонидан янги технологик усуналар харид қилиш учун бериладиган кредитларнинг гаров билан қўлланмаган қисми бўйича таъминоти тақдим этиш имкониятини яратди. Бу эса Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитининг тубдан яхшиланишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш ва албатта, экспорт учун қўлай шароитларни юзага келтиради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 124-моддасида Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Республика Марказий банки бошқариши белги-

лаб қўйилган. Конституциянинг 122-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимига эга» дейилган, 36-моддасида мамлакатимизда истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли экани белгиланган. Республика Марказий банки ана шу ўта муҳим вазифалар ижроси учун бевосита масъулдир.

Ўртбошимизнинг "Айнан банklar, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодиётимизни озиклантириб турадиган қон томир ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлиги қўл жихатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ", деган сўзлари ҳам ғоят ўринлидир. Шу маънода Марказий банкнинг асосий эътибори назорат функциясини амалга ошириш, банк-молия тизими барқарорлигини сақлаб туриш ва албатта, банкка ишониб топширилган пул маблағларининг бўл сақлини таъминлаш билан боғлиқ мақсадларга қаратилган.

Мамлакатимизда банк назоратининг изчил амалга оширилиши, биринчидан, банкларнинг ўз фаолиятларини тўғри ташкил этишлари ва илҳомий таъсир кўрсатаётган бўлса, иккинчидан, молия бозорида эркин рақобат муҳитининг вужудга келишига хизмат қилмоқда. Бу иқтисодий ва молиявий инкирозлар, жумладан, 1997 йилдаги Осиё молия бозорининг таназуули, 1998 йили Россия молия-банк тизимида юз берган воқеалар ва АҚШдаги ипотека кризиси жажоннинг қўллаб-қувватлаш лойиҳа-банк тизимига салбий таъсир ўтказганида яққол намойён бўлди ва ушбу давлатларнинг катта миқдордаги амалга оширишда тўлов олаётган фойдасининг бир неча баробарга камайиб кетишига, охир-оқибатда уларнинг капиталлашуви даражасининг кескин пасайишига олиб келди.

Халқаро миқёсда иқтисодий танглик ҳукм суриб турган бир пайтда мамлакатимиз ялпи маҳсулотда 7-8 фоизлик ўсишга эришилаётгани эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки олиб бораётган сиёсатнинг тўғрилигини яна бир қарра исботлайди. Дунёдаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Ўзбекистон банк тизими барқарор", деб эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас. Буларнинг бари Ўртбошимиз белгилаб берган, жажонда тан олинган "Ўзбек модели"нинг нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигидан далolat беради.


Мухтасар қилиб айтганда, бутун мамлакатимизда фаолият юритаётган барча банklar оилаларимиз фаровонлиги, юртимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшиш учун бел боғлаган, аъми қатъий, ғайрат-шижоатли тадбиркорларнинг молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» ТАНЛОВИГА

Юрт ҳимояси — муқаддас бурч

БУГУН ЎЛКАМИЗНИНГ ҚАЙ БИР ҒЎШАСИГА БОРМАНГ, УЛКАН ЎЗГАРИШЛАР, ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР УСТИДАН ЧИКАСИЗ. АЛБАТТА, БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ТИНЧЛИК-ОСОЙИШТАЛИК, ЭРТАНГИ КУНГА УМИД ВА ИШОНЧ ШАРОФАТИДАНДИР

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»



Халқимиз тинчлиги ва хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги замирида эса қурол-ярғоқ ва ҳарбий маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган қудратли миллий армиямиз турибди. Қуролли Кучларимиздаги ҳар бир янгилашнинг унинг янада такомиллашувига олиб келмоқда. Жумладан, сафарбарлик қақуруви резервидаги ҳарбий хизмат ҳам бугун жамятда, фуқароларимиз онгу тафаккурида соҳага ишонч ва ҳурмат туйғусининг юксалишига хизмат қилаёпти.

Сайёрамизнинг турли нуқталарида кечаётган нотинчликлар, ҳозирги воқеликнинг ўзи резервчилар тузилмасини шакллантириш, тинчлик даврида ҳам, уруш шароитида ҳам мамлакат мудофаа қудратини мустақамлашдан ундан самарали фойдаланиш вазифасини қўймоқда. Президентимиз Ислам Каримов 2002 йилда иккинчи қақуриқ Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида шу хусусда сўз юритиб, тузилажак махсус комиссияга мамлакатимизда Қуроли Кучлар захираси, яъни резервчилар институтини ташкил этиш концепциясини ишлаб чиқиш, бундай хизмат самарали йўлга қўйилган мамлакатларнинг тақрибасини чуқур ўрганиш асосида маъзур тузилмани шакллантириш зарурлигини таъкидлагандилар.

Шу тариқа 2002 йил 12 декабрда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга қўра, сафарбарлик қақуруви резервидаги ҳарбий хизмат сафига олинган фуқаролардан уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам мамлакатимизга қарши ҳарбий тақовуз, хавфсизлигимизга таҳдид туғилганда, қолаверса, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартафат этишда фойдаланилиши белгилаб қўйилди.

Эътироф этиш керак, мустақиллик йилларида ватанпарварлик туйғуси қўчи бўлган янги авлод шаклланди. Рустам Урунов ана шундай юртдошларимиздан бири. Тошкент давлат темирйўл муҳандислари институтини тугаллаб, олий маълумотли мутахассис сифатида фаолиятини бошлаган Рустамжон эл корига яраш, халқимиз тинчлиги учун ҳисса қўшишни ният қилди.

— Янги хизмат тури ҳақида менга мудофаа ишлари бўлимида атрофлича маълумот бериши, — дейди у. — Сафарбарлик қақуруви резервидаги ҳарбий хизматни танлашда иккиланмадим. Йигинни ўтаб келганимга эса ҳадемай у ойча бўлади. Бугун ўз йигитлик бурчимни, Конституциявий вазифамни ўтадим, деб баралла айта оламан. Ватан учун керакли экани эса қалбимни фахрифтхорга тўлдирди.

Ўзбекистон миллий университети битирувчиларидан бири Фирдавс Аҳмедов эса сафарбарлик қақуруви резервидаги хизматнинг дунёқарашини кенгайтирганини мамнуният билан гапириб берди.

— Ойлик йигин турли маънавий-маърифий учрашувларга ҳам бой бўлди, — дейди Фирдавс. — Ҳарбий ҳисобда турадиган ихтисосликка эга бўлиб, бу борада зарур сабоқлар олдик. Бизга сафарбарлик қақуру-


ви резервидаги хизмат ёшлар учун улкан имкониятлар эшигини очаётганини мисоллар билан тушунтириб бериши. Шу қисқа мўддатда йигин иштирокчилари маънавийтини, дунёқарашини бойитишга улкан эътибор қаратилаётгани мени ниҳоятда қувонтирди.

Фирдавс ушбу хизмат тури бераётган имкониятлар ҳақида бежиз тўқинлашиб гапирмади. Бугун сафарбарлик қақуруви резервида ойлик йигини ўтаб, олий ҳарбий билим юртларига, сержантлар тайёрлаш мактабларига ўқишга кирган, ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаётган ёшларимиз қўчилиқни ташкил этади. Бу янги хизмат тури уларда Ватан ҳимоясини, мустақил Ўзбекистон манфаатларининг посбони бўлишдек орзу-ҳавасни шакллантираётгани қувонарли хол, албатта.

Бир сўз билан айтганда, Қуроли Кучлар тизимидаги ислохотлар унинг жанговар қуч ва имкониятларини оширапти. Миллий армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириб, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизмат нуфузини юксалтирмоқда. Шу боис истиқлол неъматини бўлмиш тинчлик ва фаровонлик учун, шу муқаддас тупроққа дахлдорлик туйғуларининг халқимиз онгу шуғурига синиб бораётгани учун ҳар қанча шуқрона келтирсак, шунча оз.

«AFROSIYOV» ДАШТБОДГА ХАМ БОРАДИ

«Afrosiyov» теъзурар поезди қатнай бошлашидан бироз аввал «Тошкент-Самарқанд» йўналишининг «Янгир-Даштбод» қисмида 35,3 километрлик замон талабларига мос темир кизлар ётқизилганди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ақборот хизматидан хабар қилинишича, айна пайтда йўлсозлар ана шу лойиҳанинги иккинчи босқичини амалга оширишга киришдилар. У фойдаланишга топширилган, «Даштбод-Зарбдор-8-разъезд-Жиззах» йўналишида ҳам «Afrosiyov» электропоезди қатнай бошлайди.




— 59 километр узунликдаги янги йўлнинг «Даштбод-Зарбдор» ораллигида тупроқ кўтарма ишлари якунланиб, 8 километр масофага панжарали рельслар ётқизилди, — дейди ДАКНИНГ Йўл ҳўжалиги бошқармаси бўлим бошлиги Равшан Гофуров. — Аҳамиятли томони шундаки, иккинчи босқич ишлари якунланган, йўлсозлар «Галлаорол» ва «Булуғур» бекатларини боғлайдиган 29,7 километрлик йўлни барпо этишга киришдилар.

Истиқлол берган имконият

БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ДИРЕКТОРИ ШАМСИДДИН САИДАХМЕДОВ «XXI ASR» ГАЗЕТАСИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳаларида бўлганидек, нефть ва газ саноати тармоғида ҳам мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бухоро вилоятининг Қоровулбозор массивида қад ростлаган, жаҳондаги энг машҳур корхоналар сифидан муносиб ўрин олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бунинг ёрқин мисолидир.

— Президентимиз ташаббуси билан Франция нефть институти, Американинг «Мериком», Голландиянинг «Компримо» компаниялари лицензиялари, Франциянинг «ТЕКНИП» компанияси лойиҳаси асосида қурилган корхонамизда технологик жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, йилига 2,5 млн. тонна углеводород хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эгадир, — дейди Ш. Саидахмедов. — Нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш эвазига автобензин, автокеросин, дизель ёнилғиси, углеводород



ишлари манзилли дастурга асосан «Спорт майдони мажмуаси», «Ёшлар аттракцион боғи» ва ишчи-хизматчилар учун замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ чорвачилик фермаси қуриб битказилиб, хориждан 1018 бош зотдор қорамоллар олиб келинди. Улардан соғиб олинаётган сут корхоналарда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотлар завод ишчи-хизматчилари ва аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

5 гектар майдонда замонавий иссиқхона қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача унинг 4 гектари фойдаланишга топширилди ва 73 тонна помидор ва бодринг етиштирилди. Айни пайтда 3 гектар ерда «Мелен» навли бодринг, 1 гектарда «Белла» навли помидор кўчатлари етиштирилмоқда.

Бундан ташқари, Қоровулбозор туманида 10 гектар майдонда интенсив мевали боғ яратиш мақсадида чет элдан 22,8 минг дона мевали дарахт кўчатлари келтириб ўтказилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда истиқлол шарофати ила олиб борилаётган босқичма-босқич ислохотлар, муҳтарам Юртбошимиз раҳбарлигида иш-

Жорий йилнинг 9 ойи давомида солиштирма нархларда **770,8** млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан **110** фоизлик ўсишга эришилди. **246,8** млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди ва белгиланган режа **119,3** фоизга бажарилди.

эритмаси, мазут, суюлтирилган газ, олтингурут каби маҳсулотларимиз халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

— **Юқорида санаб ўтилган маҳсулотларисиз саноат корхоналари, умуман, бугунги ҳаётимизни тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда уларнинг сифати бўлган талаб ҳам йил сайин ортиб бормоқда...**

— Шундай бўлиши табиий. Зеро, замонавий техника воситалари учун, энг аввало, юқори сифатли ёнилғи зарур. Шу боис инженер-техник ходимларимиз жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш учун изланишмоқда. Маҳсулот турлари ҳамда ҳажмини ошириб бориш баробарида улар сифатини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаёпти. Юқори октанли, «Аи-91», «Аи-93», «Аи-95» русумли автобензинлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги фикримиз далилидир.

2006-2008 йилларда дизель ёнилғиси сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2008 йилнинг ноябрь ойидан

бошлаб экологик жиҳатдан тоза, жаҳон стандартларига мос келадиган ҳамда совуққа чидамли маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари тўлиқ ўзлаштирилди. «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерлари учун «Джет А-1» авиация ёнилғиси ишлаб чиқарила бошланди. Уни ASTM (АҚШ) стандартлари услубида синовдан ўтказиш учун замонавий лаборатория жиҳозланди. Бу ишларнинг бажарилишига жами 2,5 млрд. сўм ва 135 минг АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланди. 2009 йил август ойидан бошлаб DEF STAN 91-91 (Буюк Британия) ва ASTM V 1655 халқаро стандартларига тўлиқ жавоб берадиган, айрим кўрсаткичлари бўйича улардан устунроқ бўлган, «Ўзстандарт» агентлигида рўйхатдан ўтган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғиси ишлаб чиқарилиши учун норматив ҳужжатлар тайёрланди. Айни пайтда заводимиз ёрлиғига эга авиакеросин «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК тизимига етказиб берилмоқда.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ

бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ўз вақтида бажарилгани сифат тизимини бошқариш ISO 9001:2008, халқаро касбий хавфсизлик ва саломатлик бўйича OHSAS 18001:1999 халқаро стандарти, аэрокосмик сериясидан сифат тизимини бошқариш талабларига жавоб берадиган AS9100b ҳамда экология тизимини бошқариш бўйича ISO 14001-2002 стандартларининг жорий этилишини таъминлади. Айни пайтда заводимиз Марказий Осиёда 4 та халқаро стандарт сертификатига эга бўлган ягона корхонадир.

— **Завод маҳсулотларига бўлган талаб жуда катта. Уларни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш режалари қай даражада амалга ошириляпти?**

— Бу борада бирон-бир узилишга йўл қўйилиши мумкин эмас. Буни чуқур англаб етган жамоамиз аъзолари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Масалан, жорий йилнинг 9

ойи давомида солиштирма нархларда 770,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 110 фоизлик ўсишга эришилди. 246,8 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди ва белгиланган режа 119,3 фоизга бажарилди. Нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш 2010 йилнинг шу даврига нисбатан 107,5 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури»га асосан мамлакатимиздаги лак-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналарга зарур хом ашё — углеводород эриткичи ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди ва 2011 йил 9 ой давомида 7277 тонна маҳсулот тайёрланиб, белгиланган режа 107,8 фоизга атилди.

— **Ҳар қандай корхона тараққиёти бевосита мутахассислар малакаси ва тажрибасига боғлиқдир. Заводда кадрлар билан ишлаш, ёш ишчи-хизматчилар захирасини тайёрлаш қай даражада йўлга қўйилган?**

— Ҳақиқатан ҳам, корхонанинг бир меъёрида ишлашни таъминлашнинг биринчи шарти кадрларни жой-жойига қўйиш, тарбиялаш, малакасини ошириш ва ўқитишни ташкил этишдир. Ҳозирги кунда заводимизда 3242 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг 578 нафари раҳбар-мутахассислардир. Жамоамиз аъзола-

рининг 33 фоизи хотин-қизлар, 29 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларнинг 22 фоизи олий маълумотли, қолганлари эса ўрта махсус маълумотга эга.

Кадрлар масаласи юқорида таъкидланганидек, корхона раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Шу мақсадда Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника, Тошкент кимё-технология институтлари, Тошкент Давлат техника

тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган. Унинг хулосаларига кўра, йил давомида 246 нафар жамоа аъзоси турли сыхатгоҳларда ўз соғлигини тиклаб қайтдилар.

«Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида асосан кейинги икки йилда 30 та ёш оилага шайхонамида янги қурилган



университети билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганмиз. Бухоро нефть ва газ саноати ҳамда Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-хунара коллежларини 2011 йилда битирган 35 нафар талаба 3 томонлама шартномалар асосида ўз мутахассислиги бўйича билан таъминланди. Уларга кўп йиллик малака ва тажрибага эга бўлган мутахассислар устоз сифатида бириктирилиб қўйилгани эса касб сирларини тезда ўзлаштириш имконини бермоқда.

— **Ишчи-хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитлар тўғрисида ҳам гапириб берсангиз.**

— Жамоамиз аъзоларининг саломатлиги тўғрисида гамхўрлик қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва турмуш тарзини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Шаҳарчада бунёд этилган барча қулайликларга эга 700 та турар-жой кotteжи, замонавий маиший ва маърифий бинолар улар хизматидадир. Жорий йилда яна 35 та уй қурилиб, ишчи ва хизматчиларга топширилди.

Ишчи ва инженер-техник ходимларни йилига бир мартаба, хотин-қизларни икки мартаба

турар-жой кotteжлари ажратилди. Ишчи ва хизматчиларимизнинг 1008 нафар фарзанди ёз мавсумини «Нефтчи» болалар оромгоҳида ўтказдилар.

2003-2011 йилларда «Нефтчилар шаҳарчаси»да аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, маданий ва маърифий дам олишлари таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш мақсадида «Ёшлар маркази», 110 минг куб метр сизимга эга ва умумий майдони 12 гектардан иборат «Сунъий кўл», «Ҳаммом-соғломлаштириш мажмуи», байрам тадбирларини ўтказиш учун концерт майдонлари қурилиб, ишга туширилди. 720 ўринга мўлжалланган замонавий «Маданият саройи», ёпиқ чўмилиш ҳавзаси, спортнинг гимнастика, волейбол, баскетбол, оғир ва энгил атлетика, шарқ кураши турларини ўзида қамраб олган «Спорт соғломлаштириш мажмуаси», туманлардан келиб ишловчилар учун 240 ўринли замонавий жиҳозланган «Ёшлар меҳмонхонаси» ҳам шулар жумласидандир.



Ижтимоий объектлар ва уй-жойлар қурилиши давом эттирилмоқда. 2011-2012 йиллар капитал қурилиш


лаб чиқилиб, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилганидек, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига хизмат қилмоқда.

Бугун заводимизда турли миллат вакилларидан иборат катта жамоа мамлакатимиз тараққиёти учун кўлни-қўлга бериб меҳнат қилаёпти. Улар Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ваколатлардан тўлиқ фойдаланмоқдалар. Оддий ишчиларимиздан тортиб турли даражадаги раҳбарларгача тенг ҳуқуқ, тенг қолатга эга. Корхонада яратилган барча шарт-шароитлар, биринчи навбатда, жамоа аъзолари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан барча юртдошларимизни самимий табриқлайман. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни осойишталиги ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислохотларда янада фаол иштирок этишларида уларга доимо сыхат-саломатлик ёр бўлсин!

Зумрад АБРОРОВА
суҳбатлашди.





«O'ZSANOATQURILISHBANK» OATB

ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 19-ЙИЛЛИГИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА СИЗЛАРГА ҚУЙИДАГИ ҚУЛАЙ ШАРТЛАР БИЛАН ЮҚОРИ ДАРОМАДЛИ ДЕПОЗИТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Миллий валютадаги омонатлар	Сақлаш муддати	Омонатлар миқдори	ИЗОХ
Болаларнинг мақсадли омонати	10 йил	чекланмаган	Имтиёзли таълим кредити берилади
«Лидер»	6 ой	чекланмаган	Қўшимча нақд пул маблағи қабул қилинади
Коммунал хизматлари тўловига	2 йил	чекланмаган	Нақд пулсиз коммунал тўловларига ўтказилади
Мадад-4	9 ой	чекланмаган	Омонатнинг муддати тугагандан сўнг бонус тўланади
Баркамол-1	3 ой	чекланмаган	
Ҳамкорлик	12 ой	чекланмаган	
Хорижий валютадаги омонатлар			
Манфаат-2	7 ой	чекланмаган	Фоизлар омонатлар муддати тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича тўланади.
«Истиқлол-2»	3 ой	чекланмаган	

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ ўз мижозларига омонатларни фоиз даромадлари билан тўлиқ қайтариб берилишини кафолатлайди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБда сақланаётган аҳоли омонатлари «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган.

Хизматлар лицензияланган!

www.uzpsb.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 23 ЯНВАРДАГИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 573-СОНЛИ ҚАРОРИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1997 ЙИЛ 20 АВГУСТДАГИ «ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР ТУРМУШИ МОДДИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ 409-СОНЛИ ҲАМДА 2002 ЙИЛ 25 ЯНВАРДАГИ «АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ 2002-2003 ЙИЛЛАРГА МўЛЖАЛЛАНГАН ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ 33-СОНЛИ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талабларига мувофиқ, 2012-2013 ўқув йилида I-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ва касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олаётган ногирон болалар учун ўқув қуроллари, кам таъминланган оилаларнинг I-9-синфларда ўқийдиган фарзандларига қишқи кийим-бошлар харид қилиш учун очиқ тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Мазкур тендер савдолари очиқ турда ўтказилиб, унда мулкчилик шаклидан қатъий назар:

1-синф ўқувчилари ҳамда яқка тартибда уйда таълим оладиган ногирон болалар учун ўқув қуроллари ишлаб чиқариш ёки буюртмачига сифати ва баҳоси жиҳатидан маъқул тарзда етказиб бериш имкониятига эга барча юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

Бунда тендер савдоларида иштирок этиш истagini билдирган кичик бизнес субъектларига имтиёзлар қўлланилади.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайди:

туғатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;

ўз муддатида ва ўрнатилган тартибда саралаш босқичи учун керакли бўлган барча зарур ҳужжатларни тақдим этмаганлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим таъминот» Давлат унитар корхонаси билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар ва бажармай келаётганлар;

мазкур эълон нашр этилган санага қадар 6 (олти) ойдан кам муддат ичида ташкил топган корхона ва ташкилотлар;

Халқ таълими вазирлиги ва «Ўқув таълим таъминот» ДУК билан суд ёки арбитраж жараёнини бошдан кечираватганлар;

Тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий талабларига жавоб берадиганлар;

ўқувчилар суммаси ва қишқи кийим-бошлар бўйича ўзининг ишлаб чиқаришига эга бўлмаганлар (мазкур маҳсулотлар бўйича ўз тендер таклифларини тақдим этувчилар учун).

Тендер таклифлари (конвертлар) очилгунга қадар, Тендер комиссияси ва/ёки Тендер комиссияси топширигига асосан Тендер комиссияси Ишчи органи томонидан тендер савдоларида иштирок этиш истagini билдирган корхона ва ташкилотлар саралаш босқичидан (квалификационий отбор) ўтказилади.

Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифи билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тўпламини алоҳида (папкада) тақдим этишлари лозим.

Талабгор — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари учун:

маҳаллий статистика органлари томонидан талабгорнинг кўртка, пойабзал, қалпоқ ва қўлқоп ҳамда ўқувчилар суммаси бўйича ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти мавжудлигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс, жумладан, кичик ёки йиррик бизнес корхоналарига тааллуқли аканлиги тўғрисидаги маҳаллий статистика органлари томонидан берилган маълумотнома;

маҳаллий монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш органларидан талабгор банкрот ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

маҳаллий Давлат рўйхатида олувчи органлардан талабгорнинг туғатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусخаси;

Давлат солиқ инспекцияси ва талабгор ўртасида бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги мажбуриятлар бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган солиштирув – далолатномасининг (кенгайтирилган) асл нусخаси (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорга хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорни ҳисоб рақамларида картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома (мазкур ҳужжат эълон нашр этилган санадан кейинги ҳолатга тақдим этилиши лозим);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг Тендер ҳужжатлари тўплами (китоби)ни сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш босқичига тақдим этиш учун берилган ҳар бир маълумотномада талабгорнинг СТИР қўрсатилган бўлиши шарт.

Талабгор - хорижий корхона ва ташкилотлар учун:

талабгор - корхона тўғрисида халқаро масштабдаги аудитор компания хулосаси (ҳисоботи, изоҳ-тушунтириш хатини илова қилган ҳолда), Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва/ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт;

талабгорнинг юридик шахс сифатида Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси (мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик ташкилотлари ва/ёки ваколатхоналарида легаллаштирилган бўлиши шарт);

талабгорнинг Ишчи органига тендер таклифига мос маҳсулот намунасини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси;

талабгорнинг тендер ҳужжатлари тўпламини сотиб олиш учун тўловини тасдиқловчи тўлов топшириқномаси асл нусхаси.

Саралаш босқичи тендер таклифларини қабул қилишнинг охириг санасидан бошлаб 20 кун муддат ичида ўтказилиши кўзда тутилган.

Тендер комиссиясининг топширигига асосан маҳсул тузилган Ишчи гуруҳи талабгорнинг тендер таклифини бажариш билан боғлиқ ишлаб чиқариш мавжудлиги, биологик, технологик асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш қуввати ва талабгорларнинг бошқа кўрсаткичларини ўрганиб чиқади ва Тендер комиссиясига маълумот киритади.

Агарда тендерда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга импорт товарлари етказиб берувчи хорижий корхоналар иштирок этганда, қўнучилик билан ўрнатилган тартибда республикамиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналарга 20 фоизгача миқдорда нарх имтиёзлари берилади.

Тендер савдоларида қўлиб деб топилган корхона ва ташкилотлар «Ўқув таълим таъминот» ДУК билан имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларини шартномада келишилган муддатлар ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнида ва тартиби ҳақида қўшимча маълумотни олиш истаганда бўлган талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органи хисобланган «Ўқув таълим таъминот» ДУКга эълон нашр қилинган санадан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) ҳар кун соат 10:00дан 17:00га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тендер савдоларида харид қилинадиган маҳсулотлар миқдори ва уларнинг энг юқори нархлари

Т/Р	харид қилинадиган маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	харид қилинадиган маҳсулотнинг энг юқори баҳоси (сўмда)
1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар ҳамда касаллиги туфайли яқка тартибда уйда таълим олувчи болалар учун бериладиган ўқув қуроллари				
1	Дафтар (12 варақ)	дона	6279186	187
2	Акварель бўёқ (12 рангли)	пачка	504 025	2246
3	Пластелин	пачка	503 838	1497
4	Рангли қалам (12 рангли)	пачка	503 838	1872
5	Одий қалам	дона	1017 500	187
6	Пенал	дона	503 781	1872
7	Расм дафтари (12 варақ)	дона	537 781	749
8	Рангли қоғоз тўплами (12 варақ)	тўплам	522 898	749
9	Ручка	дона	537 781	187
10	Ўчирғич (ластик)	дона	1007 823	224
11	Елим (клей) 21 гр.дан кам бўлмаган)	дона	508 750	624
12	Ўқувчи суммаси (ранец)	дона	508 750	11854
Кам таъминланган оилаларнинг 1-9-синфларда ўқийдиган ўқувчилари учун ессик қишқи кийим-бошлар				
1	Болалар кўрткаси	дона	247 711	19964
2	Ўсмирлар кўрткаси	дона	328 481	22460
1	Болалар пойабзали	жуфт	247 711	21212
2	Ўсмирлар пойабзали	жуфт	328 481	23707
1	Болалар қалпоғи ва қўлқопи	комп.	247 711	5615
2	Ўсмирлар қалпоғи ва қўлқопи	комп.	328 481	6863

Тендер ҳужжатини сотиб олиш истаганда бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйида келтирилган маҳсул ҳисоб рақамига 350 000 (уч юз эллик минг) сўм миқдорда қайта қопланмайдиган пул маблағларини пул ўтказиш йўли билан тўлаганларидан сўнг олишлари мумкин:

Ишчи орган банк реқвизитлари: ҳисоб рақами № 20210000700101561002 АТИБ «Ипотека» банки, Меҳнат бўлими, МФО: 00423 ИНН 200524742, ОКОНХ 71100.


Тендер таклифлари 2012 йил 9 январь соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда юқорида кўрсатилган манзил бўйича Ишчи органга тақдим этилиши лозим (шанба ва яқшанба кунларидан ташқари). Тендер таклифлари (конвертлар)нинг очилиши Тендер комиссияси томонидан аниқланган жойда ва санада амалга оширилади. Бу ҳақда талабгорга Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан қўшимча хабар қилинади.

Тендер таклифлари (конвертлар) очилишида талабгорлар вакиллари иштирок этишлари мумкин.

ҚУТЛОВ



web sayti: www.21asr.uz

«ШҶРТАНГАЗКИМЁ» мажмуаси жамоаси



**Бош Қомусимиз —
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
19 йиллиги**

**билан барча юртдошларимизни
самимий табриклайди.
Ватанимиз истиқболи,
фарзандларимиз камоли
йўлидаги фаолиятингизга самара,
хонадонларингизга
тинчлик-осойишталик,
дастурхонингизга
файз-барака тилайди.**



ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA



ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Мухаммадсўф ТЕШАБОВЕ, Абдурашид ЖҶРАБОВЕ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баходир ҶАНИЕВ, Зедулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳаммад АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОҶИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қўлем НАЗАРОВ.
ТАХРИРИЯТ: Ошод РАҶАБОВ, Маркес СОҶПОВ, Эмомид АБРОҶОВА, Шаҳод НАЗАРОВ, Сайдулла ИҶРОМОВ, Аскар ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҶМОНОВ,
Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНОВ.
БОШ МУҶАРРИР: Мироди АБДУРАҶМОНОВ. МАТН ТЕРҶИВИ: Раъно АБДУЛИМОВА.
БҶЛИМЛАР: Қотибнот — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатпар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Қўчмак бизнес ва хўсусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 215-60-45, 255-68-50.
Қўбулхона: 215-63-80 (тел./факс).
ТАХРИРИЯТ МАҶЛИСИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot@21asr.uz, xxi_asr@mail.ru, xxi_asr@mail.ru
©XXI ASR-дан олдинги маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилгани шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мўмкин.
«Ўзбекистон» НМНУ босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Бўртма рақами: J 3325. Тираж: 9 262.
Бўқоси келиштилган нарҳда.
Тошкентда — 20.00.

ISSN 2181-497X



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR
HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

НАШР КжРСАТКИЧИ: 406

Навбатчилар:
ТАБДУРАҶМОНОВ, С.СОИРОВ.